

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**Рўйхатга олинди
№ МО 10-205
2020 йил**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва
ўрта маҳсус таълим вазирининг
2020 йил “7” декабрь даги
648 - сонли буйруғи билан
тасдиқланган.**

“Ўзбек тили филологияси: ўзбек адабиётшунослиги”

йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини
қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг ўкув дастури

Тошкент – 2020

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

Қайта тайёрлаш ва малака ошириши курсининг ўқув дастури Олий, ўрта маҳсус ва профессионал таълим йўналишилари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини

Мувофиқлаштирувчи кенгашининг

2020 йил 30-октябрдаги 6-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Тузувчилар:

Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш”
модули: ю.ф.н., проф. В.Топилдиев, т.ф.н., доц. Б.Ш.Усмонов,
т.ф.н., доц. Р.А.Хабибуллаев

“Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш” модули:
и.ф.д., проф. Р.Нуримбетов, и.ф.д., проф. Ф.Назарова, п.ф.н.,
доц. М.Декканова

“Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш” модули:
п.ф.д., проф. Н.Муслимов, катта ўқитувчи Р.Ишмухамедов

“Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш”
модули: п.ф.д., проф. Ф.Закирова, ф.-м.ф.н., доц. В.Каримова.

“Маҳсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили” модули:
катта ўқитувчилар Ф.Бойсариева, Н.Джабборова, С.Таджибаева,
У.Гиясова, Ш.Файзуллаева

“Мутахассислик фанлари” модули: ф.ф.д., проф. Ҳ. Болтабоев,
ф.ф.д., проф. Б. Каримов, ф.ф.д. Д.Юсупова, ф.ф.д., доц.
Ё.Одилов, ф.ф.д., проф. Н.Рахмонов, Ph.D., З.Абдурашидов.

Тақризчилар:

ф.ф.д., доц. С.Нормаматов – ТДЎТАУ.

Хорижий эксперт: ф.ф.д., проф. Э.Ушенмез – Истанбул
университети (Туркия), ф.ф.д., проф. Х.Кораш – Нигде Умар
Холис Димер университети (Туркия).

*Ўқув дастури Ўзбек тили ва адабиёти университети Кенгашининг қарори билан
тасдиқка тавсия қилинган (2020 йил “___” _____ даги ___ - сонли баённома).*

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли, 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5850-сонли, 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли, 2020 йил 29 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги атамалар комиссиясининг фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 40-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек, амалиётга жорий этиш қўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур доирасида берилаётган мавзуулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш, маҳсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили, мутахассислик фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, “blended learning”, “flipped

“classroom” технологияларини амалиётга кенг қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда, дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қўйидаги модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади:

I. Педагогнинг профессионал фаолиятидаги инновациялар

- 1.1. Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш.
- 1.2. Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш.
- 1.3. Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш.

II. Педагогнинг ахборот ва коммуникатив компетентлигини ривожлантириш

- 2.1. Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш.
- 2.2. Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили.

III. Мутахассислик фанлари

- 3.1. Жаҳон адабиёти таълимида етакчи концепциялар.
- 3.2. Адабиётшунослик методларига хос тамойиллар.
- 3.3. Олий таълимда мумтоз шеър тузилишини ўқитиш муаммолари.
- 3.4. Семантиканинг долзарб муаммолари.
- 3.5. Фольклор ва ёзма адабий алоқалар.
- 3.6. Ўзбек жадид адабиёти дунё адабиётшунослиги контекстида.

IV. Малакавий аттестация

Курснинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларни инновацион ёндашувлар асосида ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойиҳалаштириш, соҳадаги илфор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур

бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек, уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

Курснинг **вазифаларига** қўйидагилар киради:

- “**Ўзбек тили филологияси: ўзбек адабиётшунослиги**” йўналишида педагог кадрларнинг мутахассислик йўналишларида билим, кўникма, малакаларини халқаро стандартларга мос равишда ривожлантириш;
- педагогларнинг ўзбек адабиётшунослигидаги креатив, ижодий-инновацион фаоллик ва жаҳоний тафаккур даражасини ошириш;
- мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнини замонавийлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари самарали татбиқ этилишини таъминлаш;
- мутахассислик фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;
- “**Ўзбек тили филологияси: ўзбек адабиётшунослиги**” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш”, “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш”, “Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш”, “Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш”, “Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Мутахассислик фанлар бўйича тингловчилар қўйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади.

Тингловчи:

- жаҳондаги етакчи адабий тизим ва концепцияларни;
- илм-фан олдига қўйилган замонавий фанларнинг табиати, методлари, фан тараққиётининг асосий босқичлари ва функцияларини;
- мумтоз шеър тузилишининг ўзига хос хусусиятларини;
- тил ва тафаккур муносабатини;
- адабиёт ва фольклор ўзаро алоқаларининг назарий-методологик муаммоларини;

– шарқда уйғониш ва жадид ҳаракатининг пайдо бўлиш омилларини **билиши** керак.

Тингловчи:

- адабий таълим жараёнига адабий ва маданий-тарихий контекстга асосланган назарияларни татбиқ қила олиш;
- замонавий ўзбек адабиётшунослигига хос хусусиятларни таҳлил қила олиш;
- турли асли руқнлардан таркиб топган баҳрлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини фарқлай олиш;
- ўзбек тилида лексик энантиосемиянинг турлари, тушунчани қарама-карши томондан аташ ва баҳолаш;
- бадиий асардаги фольклоризмларни оғзаки нутқ воситаларидан фарқлай билиш;
- жадид адабиёти воситасида талабаларда эзгу маънавий сифатлар қарор топтиришга йўналтириш;
- педагогик жараёнда мулоқот услубларини тўғри қўллай олиш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- жаҳон адабий таълимидағи янгиликларни ўзбек адабиёти талқинлари ва таҳлилига жалб эта олиш;
- адабиётшуносликка хос тамойилларни адабий манбалар моҳиятига мос равища қўллаш;
- адабиёт назарияси, мумтоз адабиётга доир дарсларда ўқитишининг интерфаол усулларидан фойдалана олиш;
- ўзбек тилида лексик энантиосемиянинг турлари, тушунчани қарама-карши томондан баҳолай олиш.
- фольклор бадиий тасвир воситаларининг замонавий адабиётга таъсирини аниқлаш;
- жадид адабиётининг халқаро миқёсда ўрганилишига оид тамойилларни ўз тажрибасида қўллай олиш **малакаларига** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- дунё бадиияти хазиналарини ўрганишда илмий ва бадиий таҳлил унсурларидан фойдалана олиш;
- ижодкор шахсига қаратилган методлар таҳлилидан фойдаланиш;
- исталган билим даражасига эга аудитория билан алоқага кириша олиш;
- тиллараро энантиосемик таҳлил қилиш;

- мумтоз адабиётда фольклор сюжетларининг акс этиш қонуниятларини таҳлил қила олиш;
- адабиёт фанларини ўқитишга йўналтирилган турли аудитория билан bemalol мулоқотга кириша билиш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

Курс ҳажми

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Бунда ўқув дастурининг 144 соат ҳажми ишдан ажралмаган ҳолда мустақил малака ошириш усуллари асосида, 144 соати тўғридан-тўғри (бевосита) малака ошириш шаклида ишдан ажраган ҳолда амалга оширилади. Малака оширишнинг бевосита шаклида бир ҳафтадаги ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми 36 соатни ташкил этади. Аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сонли Фармони З-иловаси билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

“ЎЗБЕК ТИЛИ ФИЛОЛОГИЯСИ: ЎЗБЕК АДАБИЁТШУНОСЛИИГИ” ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКА ОШИРИШ КУРСИНИНГ ЎҚУВ МОДУЛЛАРИНИНГ МАЗМУНИ

I. ПЕДАГОГНИНГ ПРОФЕССИОНАЛ ФАОЛИЯТИДАГИ ИННОВАЦИЯЛАР

1.1. Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш.

Хорижий давлатлардаги кредит таълим тизимлари: Америка Кўшма Штатлари кредит тизими (USCS), Кредитларнинг тўплаш ва ўтказишининг Британия тизим (CATS), Европа кредит тизими (ECTS), Университет кредитларини ўтказишининг Осиё - тинч океани тизими (UCTS). Кредит тизими асосида таълим жараёнларини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг инновацион методлари. Кредит-модуль тизимида талабаларнинг мустақил ишини режалаштириш ва ташкил қилиш. Кредит-модуль тизимида педагоглар фаолияти. Кредит-модуль тизимида ўқув жараёнининг услугий таъминоти. Силлабус. Таълим натижалари (Блум таксономияси асосида). Билим даражалари. Таълим натижаларини баҳолаш усуллари.

Таълим соҳасини бошқаришнинг ҳукуқий асослари. Таълим соҳасига оид қонун хужжатлари ва уларнинг мазмуни. Педагог ходимларнинг меҳнат муносабатларини тартибга солиш. Таълим муассасаларида коррупцияни

олдини олиш ва унга қарши курашишнинг хукуқий ва маънавий-маърифий асослари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим тизимида оид қабул қилган фармонлари, қарорлари ва фармойишлари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий таълим тизимида тегишли норматив-хукуқий хужжатлари.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга оид норматив-хукуқий хужжатлари. Давлат таълим стандартлари, тегишли таълим (мутахассислик) йўналишлари бўйича давлат таълим стандарти, ўқув режалар ва фан дастурлари ва уларга қўйиладиган талаблар. Ўқув режалари ва ўқув фанлари дастурларини такомиллаштириш тамоиллари. Ўқув юкламаларини режалаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш методлари.

1.2. Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш.

Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги ҳамда “Инновацион фаолият тўғрисида”ги Қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикасида илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясининг мазмуни ва моҳияти.

Ўзбекистон Республикасида илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг мақсади, вазифаси ва унинг методологик асослари. Илмий-тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш ва инновацион фаолиятнинг хукуқий асослари. Илмий ишланмалар ва тижоратлаштириш объектлари. Инновацион ишланмалар, давлат илмий-техник дастурлари, лойихалари, стартап-лоихаларни расмийлаштириш. Олий таълим муассасаларида таълим, фан, инновация ва илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштиришнинг узвий боғлиқлигини назарда тутувчи «Университет 3.0» концепциясини босқичма-босқич жорий этиш.

Замонавий университетларда технологиялар ва лойиха бошқаруви. Фан, ихтирочилик ва технологиялар трансферини ривожлантириш ва инновацион фаолиятни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш.

Инфратузилма ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш. Таълим тизимини такомиллаштириш ва инсон капиталини ривожлантириш. Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш. Профессор-ўқитувчиларнинг тадқиқотчи сифатида нашр фаоллигини ривожлантириш. Халқаро илмий-техник маълумотлар базалари ва уларнинг тавсифлари. Илмий мақолаларга қўйилган талаблар, мақолани тайёрлаш, чоп эттириш тартиблари. Педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини Scopus, ScienceDirect, Web of Sience тизимлари асосида такомиллаштириш.

1.3. Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш.

Профессионал ўқитувчи шахси. Педагогнинг компетентлиги ва креативлиги. Педагогнинг касбий профессионаллиги ва уни инновацион фаолиятда намоён бўлиши. Касбий-педагогик тайёргарлик жараёнида таянч (soft skills), маҳсус (hard skills) компетенциялар мазмуни. Модулли-компетентли, интегратив, инновацион-креатив ёндашувлар. Таълим жараёнини лойиҳалаш ва моделлаштириш педагогнинг касбий профессионал ижодкорлигини ривожлантириш омили.

Ўқув машғулотларининг замонавий турларини (лойиҳа, аралаш таълим, виртуал лаборатория, дебат) ташкил этиш ва ўтказиш методикаси. Талабаларда танқидий, ўзини-ўзи (мотивацион, интеллектуал, амалий-фаолиятли, фаол коммуникация ва жамоавий иш) ривожлантириш ва креатив фикрлашни шакллантириш усуллари (дизайн-фикрлаш, скампер ва х.қ.). Талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишнинг замонавий шакллари.

Steam-таълим (Science – аниқ фанлар, Technology – технологиялар, Engineering – техник ижодкорлик, Art – ижодий санъат, Mathematics – математика) ва STREM-таълим (фан, технологиялар, робот техникиси, инженерия ва математика) хусусиятлари.

II. ПЕДАГОГНИНГ АХБОРОТ ВА КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

2.1. Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш.

Рақамли технологиялар ва уларнинг дидактик имкониятлари. Таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида такомиллаштириш. «Электрон университет» ва унинг хусусиятлари.

Вебинар, онлайн маъruzza, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга жорий этиш. Масофавий таълим платформалари ва улардан фойдаланиб, таълим жараёнларини ташкил этиш.

Таълим жараёнларида «булутли технологиялар»дан фойдаланиш. Булутли технологиялардан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини ва ахборот таълим майдонини такомиллаштириш.

Мультимидали интерактив ўқув-услубий қўлланмаларни ва электрон таълим ресурсларини яратиш, улардан таълим тизимида фойдаланиш. QR-код ва ундан фойдаланиш.

Педагогик фаолиятда интерактив инфографика воситаларидан фойдаланиш.

2.2. Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили.

Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили (English for Specific Purposes) – касб соҳасидан келиб чиқиб инглиз тилини ўргатиш. Касб соҳа вакиллари томонидан минимал грамматика (Present Indefinite Tense, Present Continuous Tense, Past Indefinite Tense, Future Indefinite Tense) ҳамда соҳага оид фаол сўзларни (минимал 400) ёддан билиши. Грамматика ва лексикани коммуникатив мақсадларда ўргатишга замонавий ёндашув. Инглиз тилида аутентик вазиятларни таҳлил қилиш. Тингловчиларда аутентик вазиятларга оид: e-mail ёзиш, сўзлашиш (илмий йўналиши ҳақида), тушуниш (жараённи тинглаб тушуниш) ва ўқиб тушуниш (газета ва журналлардаги касб соҳасига оид мақолани ўқиш) кўникмаларини ривожлантириш.

Соҳага йўналтирилган мавзуларда тил кўникмаларини ривожлантириш, мутахассислик фанларини хорижий тилда ўқитиши лойиҳалаштириш. Илмий тадқиқотларга йўналтирилган тил кўникмаларини ўзлаштириш, илмий матнларнинг резюмесини тайёрлаш, хорижий адабиётлар билан ишлаш. Хорижий мутахассислар билан мулоқот стереотиплари. Электрон хатлар ёзиш, хорижий тилда тақдимотлар тайёрлаш.

Кундалик ва ижтимоий ҳаётга оид мавзулар: Шахс ва шахсият. Озиқовқат. Сиҳат-саломатлик. Оилавий қадриятлар. Шаҳар ва қишлоқ ҳаёти. Дам олиш ва спорт билан шуғулланиш. Касб-хунар ва ишбилармонлик. Оммавий ахборот. Муносабатлар. Тиббиёт, илм-фан, замонавий технологиялар соҳасидаги этика масалалари.

Резюме тўлдириш, маданий ҳордик, телефонда сухбат. Саёҳат ва туризм, транспорт соҳаси, бизнес фаолият, кашфиётлар, санъат, фан, таълим ва технология соҳаси, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш. Соҳага оид даврнинг энг долзарб муаммоларини ўрганиш, муҳокама ва таҳлил қилиш.

III. МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИ

3.1. Жаҳон адабиёти таълимида етакчи концепциялар.

Жаҳондаги етакчи адабий тизим ва концепциялар. Илмий академик мактаблар томонидан илгари сурилаётган педагогик қарашлар. Бадиий асардаги муҳим ва номуҳим адабий унсурлар ва уларнинг моҳияти. Умумий поэтика масалаларига эътибор. Адабий тафаккур тарихидаги тарихий босқичлар: архаик; мумтоз (канонизация) ва замонавий (деканонизация). Нарратология ва унинг истиқболлари: феминистик қарашлар, феноменологик

тадқиқотлар. Адабий ва маданий-тарихий контекстга асосланган назариялар: интертекстуал тадқиқотлар; “янги историзм”, культурологик методология; қиёсий адабиётшунослик; мультикультурология.

3.2. Адабиётшунослик методларига хос тамойиллар.

Дунё адабиётшунослигига мавжуд методлар таснифи ва тавсифи. “Метод” тушунчасининг илмий-назарий асослари. Адабиётшунослик методларининг кўлами. Дунё илм-фанида мавжуд методларининг ўзбек адабиётшунослигига кириб келиши ва қўлланилиши. Ижодкор шахсига қаратилган методлар масаласи. Адабий контекстга ёндашишда фойдаланиладиган методлар мазмун-моҳияти. Бадий асарнинг шаклий қирраларини ўрганадиган методларга хос тамойиллар ва уларнинг асосчилари. Ўзбек адабиётшунослигига оммалашган адабиётшунослик методлари таҳлили. Замонавий ўзбек адабиётшунослигига янгича методлардан фойдаланиш тажрибалари.

3.3. Олий таълимда мумтоз шеър тузилишини ўқитиш муаммолари.

Мумтоз адабиётни ўқитишга хос хусусиятлар. Мумтоз шеър навълари. Аруз тизими ҳақида умумий маълумот. Арузнинг назарий асослари. Мумтоз шеър тузилишининг ўзига хос хусусиятлари, шеършунослик тарихи, аруз вазнининг квантитатив ва квалитатив хусусиятлари. Жузв, руқн, ҳижо, баҳр, доира тушунчалари. Баҳрлар ва уларнинг тузилиши. Туркий шеъриятда мустаъмал баҳрлар. Мумтоз қофия ҳақида умумий маълумот, унинг таркибий қисмлари. Мумтоз қофия турлари. Мумтоз шеърни таҳлил қилиш усуллари. Мумтоз шеърий шакллар, мумтоз поэтика масалалари.

3.4. Семантиканинг долзарб муаммолари.

Тил ва тафаккур муносабати. Тафаккурнинг миллийлиги. Тилда зиддиятнинг ифодаланиши. Лисоний зиддият ва миллий тиллар. Тилнинг идиоэтник табиати ва энантиосемик маъноларнинг пайдо бўлиши. Энантиосемия – универсал лингвистик ҳодиса. Энантиосемиянинг лексик мақоми. Тилнинг ижтимоийлиги. Ижтимоий омилларнинг сўз семантикасига таъсири. Лисоний номувофиқликнинг энантиосемия билан муносабатдорлиги. Тил сатҳлари ва уларнинг лисоний зиддиятга муносабати. Ўзбек тилида энантиосемияни воқелантирувчи бирликлар, зиддиятнинг нутқий намоён бўлиши: антифразис, ирония, эвфемия ва дисфемия. Ўзбек тилида лексик энантиосемиянинг турлари, тушунчани қарама-қарши томондан аташ ва баҳолаш. Зид маънолиликка синхроник ва диахроник

ёндашув. Тилда миллий-маданий коннотациянинг акс этиши. Ўзбек тилида фразеологик энантиосемиянинг турлари. Тил ривожини таъминловчи омиллар. Тиллараро таъсирилашув. Қариндош ва ноқариндош тилларда энантиосемия. Тиллараро энантиосемияни тавсифловчи терминларга шарҳ.

3.5. Фольклор ва ёзма адабий алоқалар.

Адабиёт ва фольклорнинг ўзаро алоқалари назарий-методологик муаммо сифатида. Қадимги туркий адабиёт ва фольклор. Қадимги адабиётнинг миллий ўзига хослиги, унинг келиб чиқиши ва тараққиёти. Ҳалқ китоблари, уларнинг шаклланиши, юзага келиш омиллари. Фольклор бадиий-тасвир воситалари. Ҳалқ китоблари, уларнинг шаклланиши, юзага келиш омиллари. Фольклор бадиий-тасвир воситалари. Мумтоз ва замонавий адабиётда фольклоризм ҳодисасига илмий-назарий ёндашув. Фольклоризм асослари. Адабиёт ва фольклорнинг ўзаро алоқаларига оид назарий қарашлар. Адабиёт ва фольклор ўзаро алоқаларининг назарий-методологик муаммолари. Фольклоризмнинг бадиий асар ривожидаги роли. Бадиий асаддаги фольклоризмларни оғзаки нутқ воситаларидан фарқи. Мумтоз адабиётда фольклор сюжетларининг акс этиш қонуниятлари.

3.6. Ўзбек жадид адабиёти дунё адабиётшунослиги контекстида.

Шарқда уйғониш ва жадид ҳаракатининг пайдо бўлиш омиллари. Туркистонда жадидчиликнинг шаклланиши ва унга таъсир этган омиллар. Туркистон жадидлари ва ташқи матбуот. Миллий матбуот ва ўзбек адабиётида янги жанр ва турларнинг шаклланиши. Жадид адабиёти ва унинг асосчилари. Жадид адабиётининг тараққиёт босқичлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари. Мустақиллик даврида жадидшунослик. Жаҳон адабиётшунослиги ва Туркистон жадидчилигининг тадқиқ этиш тамойиллари.

IV. Малакавий аттестация

Тингловчиларнинг малакавий аттестацияси касбий, ўқув-методик ва илмий-методик фаолияти натижалари (электрон портфолиода қайд этилган кўрсаткичлари), курсни тамомлагандан кейинги онлайн тест синовлари ҳамда Аттестация комиссиясида битирув ишини ҳимоя қилиш асосида ўтказилади.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажаради.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

Мустақил малака оширишни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Мустақил малака ошириш қўйидаги шаклларни ўз ичига олади: очик ўқув машғулотлари ва маҳорат дарсларини ташкил этиш; иқтидорли ва истеъдодли талабалар билан ишлаш; илмий конференцияларда маъруза билан қатнашиш; илмий журналларда мақолалар чоп этиш; кўргазма ва танловларда иштирок этиш; илмий лойиҳаларда иштирок этиш; халқаро (импакт-факторли) нашрларда мақолалар эълон қилиш; ихтиро (патент), рационализаторлик таклифлари, инновацион ишланмаларга муаллифлик қилиш; монография, муаллифлик ижодий ишлар каталогини тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; ўқув адабиётлари (дарслик, ўқув қўлланма, методик қўлланма)ни тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун ҳимоя қилинган диссертацияга илмий раҳбарлик қилиш.

Педагог кадрларнинг мустақил малака ошириш натижалари электрон портфолио тизимида ўз аксини топади.

Мустақил малака ошириш даврида педагоглар асосий иш жойи бўйича педагогик амалиётдан ўтади. Педагогик амалиёт даврида педагог асосий иш жойи бўйича кафедранинг етакчи профессор-ўқитувчиларини 2 та дарсини кузатади ва таҳлил қиласи ҳамда кафедра аъзолари иштирокида талабалар гурухи учун 1 та очик дарс ўтказади. Очик дарс таҳлили ҳамда педагог томонидан кузатилган дарслар хulosалари кафедранинг йиғилишида муҳокама этилади ва тегишли кафедранинг баённомаси билан расмийлаштирилади.

Шунингдек, мустақил малака ошириш жараёнида тингловчи қўйидаги билим ва кўникмаларини ривожлантириши лозим:

- таълим, фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялашни ташкил этиш, кадрлар буюртмачилари ва меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режалари ва фанлар дастурларини шакллантириш;
 - ўқув машғулотларининг хар хил турлари (маъruzалар, амалий машғулотлар, лаборатория машғулотлари, курс ишлари лойиҳалари, малака бўйича амалий машғулотлар)ни ташкиллаштириш;
 - талабалар ўртасида миллий мустақиллик ғоялари асосида маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишларни олиб бориш, таълим жараёни қатнашчилари билан ўзаро муносабатларда этика нормалари ва нутқ маданияти, талабаларнинг билим ва қўникмаларини назорат қилишни ташкил этиш ва илмий-методик таъминлаш, иқтидорли талабаларни қидириб топиш, танлаш ва улар билан ишлаш методларини билиш ва амалда қўллаш;
 - олий таълимда менежмент ва маркетинг асосларини билиш ва амалий фаолиятга татбиқ этиш.
- мустақил таълим олиш йўли билан ўз билимларини такомиллаштириш.

Дастурнинг ахборот-методик таъминоти

Модулларни ўқитиши жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қоғоз вариантдаги манбалардан фойдаланилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

II. Норматив-хукуқий хужжатлар

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сонли Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябр “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан

ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5850-сонли Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрь “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармони.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 29 январ “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги атамалар комиссиясининг фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 40-сонли Қарори.

III. Maxsus адабиётлар

19. David Spencer “Gateway”, Students book, Macmillan 2012.
20. English for academics. Cambridge University Press and British Council Russia, 2014. Hook 1, 2.
21. English for Specific Purposes. All Oxford editions. 2010. – 204 p.
22. Karimova V.A., Zaynudinova M.B. Nazirova E.Sh., Sadikova Sh. Tizimli tahlil asoslari. – Т.: “O‘zbekiston faylasuflar milliy jamiyati nashriyoti”, 2014. – 192 b.
23. Lindsay Clandfield and Kate Pickering “Global”, B2, Macmillan. 2013. – 175 p.
24. Mitchell H.Q. “Traveller” B1, B2, MM Publications, 2015. – 183 p.
25. Mitchell H.Q. Marileni Malkogianni “PIONEER”, B1, B2, MM Publications, 2015. – 191 p.
26. Natalie Denmeade. Gamification with Moodle. Packt Publishing - ebooks Account, 2015. – 134 pp.
27. Paul Kim. Massive Open Online Courses: The MOOC Revolution. Routledge; 1 edition 2014. – 176 pp.
28. Rahmonov N. O‘zbek adabiyoti tarixi. – Т.: “Sano-standart”, 2017.
29. Steve Taylor “Destination” Vocabulary and grammar”, Macmillan 2010.
30. William Rice. Moodle E-Learning Course Development - Third Edition. Packt Publishing - ebooks Account; 3 edition 2015. – 350 pp.
31. Yusupbekov N.R., Aliyev R.A., Aliyev R.R., Yusupbekov A.N.

Boshqarishning intellektual tizimlari va qaror qabul qilish. – Т.: “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi”, 2015. – 572 b.

32. Yusupova D. Aruz vazni qoidalari va mumtoz poetika asoslari. – Т.: TA’LIM-MEDIA, 2019.

33. Асекретов О.К., Борисов Б.А., Бугакова Н.Ю. и др. Современные образовательные технологии: педагогика и психология: монография. – Новосибирск: ЦРНС, 2015. – 318 с. <http://science.vvstu.ru/files/5040BC65-273B-44BB-98C4-CB5092BE4460.pdf>

34. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. – М.: МАКС Пресс, 2016. – 116 с. ISBN 978-5-317-05412-0.

35. Болтабоев X. Адабиёт энциклопедияси. – Т.: “Мумтоз сўз”, 2015.

36. Гулобод Қудратуллоҳ қизи, Ишмуҳамедов Р., Нормуҳаммадова М. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази”, 2019. - 312 б.

37. Ибраимов А.Е. Масофавий ўқитишининг дидактик тизими. – Тошкент: “Lesson press”, 2020. - 112 бет.

38. Игнатова Н. Ю. Образование в цифровую эпоху: монография// М-во образования и науки РФ. – Нижний Тагил: НТИ (филиал) УрФУ, 2017. – 128 с. http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-0083-0_2017.pdf

39. Ишмуҳамедов Р.Ж., Мирсолиева М. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: “Fan va texnologiya”, 2014. – 60 б.

40. Каримов Б. Абдулла Кодирий ва герменевтик тафаккур. – Т.: “Akademnashr”, 2014.

41. Каримова В.Л., Зайнутдинова М.Б. Информационные системы. – Т.: “Aloqachi”, 2017. – 256 с.

42. Киселев Г.М., Бочкова Р.В. Информационные технологии в педагогическом образовании. – М.: “Дашков и К”, 2018. – 304 с.

43. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. – Т.: “Sano-standart”, 2015. - 208 б.

44. Олий таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш концепцияси. Европа Иттифоқи Эрасмус+ дастурининг кўмагида. https://hiedtec.ecs.uniruse.bg/pimages/34/3_UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf

45. Раҳмонов Н. Ўзбек адабиётини даврлаштириш масалалари. – Т.: “MUMTOZ SO‘Z”, 2016.

46. Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий: қомусий луғат. 1-2-жиллар. Масъул муҳаррир. – Т.: Sharq, 2016.

47. Турдимов Ш. Ҳикмат хазинаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2016.

48. Ўзбек халқ оғзаки ижоди ёдгорликлари. 100 жилдлик. I-VIII

жиллар. – Т.: “Ғафур Ғулом”, 2016.

49. Усмонов Б.Ш., Хабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. – Т.: “Tafakkur”, 2020. – 120 б.

IV. Интернет сайтлар

50. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

51. <http://lib.bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази миллий кутубхонаси

52. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси

53. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази

54. <http://ziyonet.uz> – Таълим портали ZiyoNET

55. <http://natlib.uz> – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси

56. <https://www.futurelearn.com/subjects/language-courses/linguistics>

57. <https://ru.coursera.org/courses?query=linguistics>

<https://www.birmingham.ac.uk/postgraduate/courses/distance/english/applied-linguistics.aspx>

“ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН”:

Олий таълим тизими педагог ва раҳбар
кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг
малакасини оширишни ташкил этиш
Бош илмий-методик маркази
Директор _____ Т.Т.Шоймардонов
“_____” _____ 2020 й.
М.Ү.

“КЕЛИШИЛГАН”:

Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини
oshiришни ташкил этиш ҳамда
мувофикалаштириш бошқармаси
Бошқарма бошлиғи _____ Ф.Т.Эсанбобоев
“_____” _____ 2020 й.
М.Ү.

Алишер Навоий номидаги
Ўзбек тили ва адабиёти университети
Ректор _____ Ш.С.Сирожиддинов
“_____” _____ 2020 й.
М.Ү.

Ўзбек тили ва адабиёти университети
хузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш
ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ
маркази
Директор _____ З.И.Мирзаева
“_____” _____ 2020 й.
М.Ү.

